



Асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ривожланишининг генезиси

Бош прокуратура хузуридаги
Мажбурий ижро бюроси Избоскан туман
бўлими бошлиғи адлия кичик маслаҳатчиси:
Алимов Махсуджон Махмудович

Асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиши ва субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаси ва усули сифатида шаклланиши ҳам кўплаб фуқаролик ҳуқуқий институтлар (шартномалар, мулк ҳуқуқи, деликтлар) каби узоқ тарихий ўтмишга бориб тақалади. Инсоният тарихининг дастлабки даврларидаёқ ўзгага тегишли нарсани асоссиз қўлга киритиш ёки ушлаб қолиш оғир гуноҳлардан бири сифатда қараб келинган. Ҳуқуқий муносабатларга диний-илоҳий қоидалар асосида таъсир кўрсатиш ва уларни айнан шу ракурсдан туриб тартибга солишга асосланган даврларда айниқса, ўзиганинг мулкини ўзлаштириб олиш қаттиқ қораланган. Хусусан, қадимий “Авесто” китобида ҳам ўзганинг мол-мулкини асоссиз олиш, унинг манфаатларига путур етказиш қораланган ва шу сабабли ҳам унинг бош ғояси сифатида “Эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал” категориялари олинган. Айниқса, битим ва шартномага амал қилиш ва шартнома юзасидан ўзига тегишли бўлмаган мол-мулкни ушлаб қолиш орқали асоссиз бойлик орттириш ҳам ичилган қасамларни бузишга тенг ҳисобланган ва бунинг учун ушлаб қолувчи ёки қўлга киритувчи муайян қасамдан келиб чиқиб, жазоланган. Хусусан, Авестода, зардуштийлик иқтисодий қонунларига кўра икки хил мажбурият тан олинади. Биринчидан, тантанали равишда қасам ичиш – “варуна” га кўра кишининг бирон иқтисодий мажбуриятни олиши ёки олмаслиги тушунилган. Иккинчидан, бу битим ёки шартнома ҳисобланиб, бунга кўра томонлар ўзаро манфаатдорлик нуқтаи назаридан бирон иқтисодий муносабат тўғрисида келишишган⁷. Авестонинг “Вадидод” бўлими IV фаргардида қасамлар ва уларга содиқликни, ўзганинг мол-мулкини қайтариш ва асоссиз қўлга киритмасликнинг бир-биридан фарқ қилувчи қуйидаги олтита тури белгиланган:

Биринчиси – сўз бериб аҳдлашиш.

Иккинчиси – қўл сиқиб келишмоқлик.

Учинчиси – гаровга қўй тикиб аҳдлашув.

Тўртинчиси – гаровга буқа қўйиш.

Бешинчиси – одамни гаровга қўйиб битишиш.

Олтинчиси – серҳосил ердан далани гаровга қўйиб (қилинадиган) аҳдлашув турлари бор⁸.

⁷ Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” – Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. -Т.: ТМИ, 2004.-33 б.

⁸ Авесто : “Видевдот” китоби (М.Исҳоқов таржимаси).-Т.:ТДШИ, 2007.-25 б.



Бундай қасамларнинг бузилиши, асоссиз қўлга киритилган мол-мулкни қайтарилиши билан бирга, ўз навбатида оғир тан жазоларининг белгиланишига олиб келган.

С.Б.Бобокуловнинг фикрича, Авестодаги кишиларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларида ўз аҳдида туриш, берилган ваъданинг устидан чиқиш, қасамга содик бўлиш, савдо-сотик ишларидан мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш каби шартномавий муносабатларнинг шакли ва айирбошлаш турлари ҳақидаги фикрлар муҳим аҳамиятга эга⁹. Албатта Авесто ўзганинг мулки муқаддаси эканлигини ва уни бошқа шахсларнинг қонунсиз ва асоссиз қўлга киритишлари гуноҳ эканлигини таъкидлаши фақат ҳуқуқий қоидалар ва тартиблар асосида эмас, балки муайян диний ва рухий омиллар билан белгиланган. Бойлик ва хусусий мулк маъносини англатган “гайта” атамаси Авестода асосан мулкдор кишиларнинг моддий аҳволи ва фаровонлигини таърифлашда кўп ишлатилган. Мулккий муносабатларда эса, “гайта”, яъни хусусий мулк “вис” (уруғ) га қарашли бўлган. “Вис” га чорва ва зироат билан машғул ва бир-бирларига қариндош бўлган камида 15 та оилалар кирган. Жамоанинг асосий бойлиги чорва ҳисобланиб, хусусий мулк дейилганда эса, уй, ҳовли-жой, қалъа, қўрғонлар, яйлов, экинзорлар, каналлар ва бошқа бойликлар назарда тутилган¹⁰.

Шу сабабли мол-мулкка эга бўлиш муҳим саналиши билан бирга Авестода ўзгалар мол-мулкни асоссиз олишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини ва ҳар ким ўз мулкни ўзи эркин тасарруф этиши ифодалайди ва одатда мол-мулкка бойлик асосида эришилишини, агар меҳнат қилинмаса, бошқа шахслар унга ҳеч нима берилмасликка ҳақли эканликлари қайд этилади. Бу ҳолат Авестода қуйидагича ёритилади: - Эй, Спийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилмаса, замин унга шундай дейди:

-Эй мард! Эй мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилмаган зот!

Сен бегоналар эшиги остонасида нон истовчилар билан бирга бўлурсан. Кўзларинг йўл кўради. Улар сени эшиги остонасидан ҳайдаб юборадилар¹¹.

Бироқ, шу ўринда эътироф этиш лозимки, Авесто зарар етказиш ва асоссиз бойлик орттириш категорияларини фарқламаган ва умумий жиҳатдан шахсга тегишли мол-мулк ҳимоя қилиниши назарда тутган.

Қадимги Рим ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ манбалари ва ҳуқуқий тизимлар ҳамда одат ҳуқуқларидан фарқли равишда биринчилардан бўлиб, мажбуриятларни шартномали ва шартномадан ташқари турларга бўлиш билан бирга, шартномадан ташқари мажбуриятларни зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга ва асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлади.

И.Б.Новицкийнинг фикрича, бир шахснинг мол-мулкига иккинчи шахсга тегишли мол-мулкнинг муайян бир қисми (пул суммалари, ашёлар, талаб қилиш ҳуқуқи ва шу

⁹ Бобокулов С.Б. Ижара муносабатларининг тарихий ривожланиш босқичлари ва бозор иқтисодиёти шароитида ижара шартномаси конституцияларини табақалаштириш муаммолари.-Тошкент: ТДЮИ, -7 б.

¹⁰ Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” – Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги.-Т.: ТМИ, 2004.- 32 б.

¹¹ Ўша жойда. -115 б.



кабилар) қўшилиши ёхуд бир шахснинг мол-мулкида бошқа шахснинг мол-мулкига топширилиши керак бўлган муайян қисмнинг сақланиб қолишини бир мол-мулк иккинчисининг ҳисобига бойиди, деб номлаш қабул қилинган.

Бунда асоссиз орттирилган бойликни талаб қилиб олиш манфаатдор шахсга кодикциявий, *condictio* – деб номланган даъвои қилиш имкониятини яратган.

Даъво предметида келиб чиқиб, рим юристлари қуйидаги даъво турларини фарқлаганлар: *condictio certae pecuniae* (муайян пул суммасини қайтариш ҳақидаги даъво), *condictio certae rei* (муайян ашёни қайтариш тўғрисидаги даъво), *condictio incerti* (орттирилган бошқа бойликни қайтариш тўғрисидаги даъво).

Асоссиз орттирилган бойликнинг асосий категориялари қуйидагилар ҳисобланган: а) *condictio indebiti* (лозим бўлмаган тўловни қайтариш тўғрисидаги даъво), б) *condictio causa data causa non secuta* (мақсади амалга оширилмаган тақдим этилганни қайтариш тўғрисидаги даъво), в) *condictio ex causa furtiva* (ўғирлик натижасида олинган нарсани қайтариш тўғрисидаги даъво) ва бошқалар¹².

Condictio indebiti. Амалда мавжуд бўлмаган қарзнинг хато сабабли қайтарилиши қарз предмети олган шахснинг уни тўлаган шахсга қайтариш мажбуриятини вужудга келтирган. Хато сабабли тўланганни қайтариш тўғрисида талабни амалга ошириш учун *condictio indebiti* асос бўлиб хизмат қилган.

Бу мажбурият асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар жумласига киради ва шу сабабли қарз мавжуд эмас экан (қўлга киритувчини бойитиш истаги ҳам мавжуд бўлмайди), тўлов учун асос ҳам мавжуд эмас ва ўз навбатида тўлов предметини уни олган шахснинг мол-мулкида қолдириш учун асос ҳам мавжуд эмасдир.

Қадимги рим ҳуқуқига кўра, *condictio indebiti* воситасида хато сабабли тўланганини талаб қилиб олиш учун қуйидаги омиллар мавжуд бўлиши лозим:

Биринчидан, тўлаган шахс томонидан муайян қарзни қоплаш мақсадида амалга оширилган тўловнинг мавжудлиги. Бунда тўлов пул, ашё ва шу кабиларни бериш воситасида амалга оширилганлиги ёки мол-мулкидан муайян суммани берган шахсда пул ёки ашёнинг бир қисми сақланиб қолганлиги (масалан, тўлов биринчи шахснинг иккинчи шахсга нисбатан ўзаро қарзларини бекор қилиш йўли билан амалга оширилса) аҳамиятга эга бўлмайди.

Иккинчидан, тўловни амалга оширган шахс томонидан қопланган қарзнинг мавжуд эмаслиги. Қарз юзасидан даъво кучини тан олмаслик амалга ошмаган қарзга тенглаштирилмаган (натурал мажбурият бўйича тўловни олиш асоссиз бойлик орттириш ҳисобланмаган).

Агар қарз амалга оширилиб, кредитор тўлов амалга оширилган шахс эмас бошқа шахс бўлса, ёки қарздор тўловни амалга оширган шахс эмас бошқа бўлса, тўлов мавжуд бўлмаган қарз бўйича амалга оширилган, - деб ҳисобланади.

Муддатидан олдинги тўлов лозим бўлмаган тўлов ҳисобланмаган ва қайтариб берилмаган, аксинча, шартлашилган тўловни шарт вужудга келмасдан амалга оширилиши мавжуд бўлмаган қарзни тўлаш билан тенг ҳисобланган.

¹² Новицкий И.Б. Основы римского гражданского права. Учебник для вузов. Лекции. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2000. – С. 215-216.



Учинчидан, мавжуд бўлмаган қарзни тўлаш кечириш мумкин бўлган адашиш оқибатидаги хато натижасида амалга оширилиши лозим бўлган.

*Condictio indebiti*нинг предметни тўловни олган шахснинг бойиши, яъни унинг мол-мулкига (ёки унинг мол-мулкида тўлов натижасида сақланиб қолган) ашёлар ёки уларнинг эквиваленти қўшилиши ҳисобланган.

Condictio causa data causa non secuta (мақсади амалга оширилмаган тақдим этилганни қайтариш тўғрисидаги даъво). Мазкур даъво бир шахс бошқа шахс ҳисобидан муайян мақсад (асос)да қандайдир мулкый манфаат кўрган, мақсад (асос) эса амалга ошмаган ҳолларда қўзғатилади.

Квазишартномали¹³ мажбуриятларнинг бу тури амалга ошиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади:

Биринчидан, мулкый манфаатни бир шахсдан иккинчи шахсга берилиши, мулк ҳуқуқини ўтказиш каби (Масалан, Тиций Люцийга кумуш вазани мулк қилиб берди); бир шахснинг иккинчи шахс фойдасига мажбуриятни ўз зиммасига олиши (Тиций хато туфайли Люцийга 100 цестерций тўлаш мажбуриятини олди); иккинчи шахснинг биринчи шахсга нисбатан мажбуриятни қоплаши (Тиций Люцийга Люцийнинг Тиций олдидаги 200 цестерцийлик қарзи тўланганлиги ҳақидаги паттани берди) ва шу кабилар.

Иккинчидан, мулкый манфаатнинг тақдим этилиши муайян мақсадни, қандайдир воқеанинг содир бўлишини кўзда тутувчи ва тақдим этиш билан боғланган муайян асосни кўзлаб амалга оширилиши; масалан, шахснинг муайян иш юзасидан бошқа шахарга бориши учун белгиланган сумманинг тўланиши, келгусида никоҳдан ўтишни кўзлаб қалин учун ашёларнинг топширилиши ва бошқалар.

Учинчидан, тақдим этиш мақсад ва асосининг амалга ошмаслиги.

Кўрсатиб ўтилган шартлар мавжуд бўлганда ҳисобидан бошқа шахс бойлик орттирган шахс тақдим этилган мол-мулкни қайтариш тўғрисидаги кондикциявий даъвони қўзғатишга ҳақли ҳисобланган.

Condictio ex causa furtiva (ўғирлик натижасида олинган нарсани қайтариш тўғрисидаги даъво). Ўғирлик натижасида қўлга киритилган ашёлар албатта ўғрининг мулки ҳисобланмаган ва мулкдор томонидан видикацияланиши мумкин бўлган, бироқ “odio forum” (сўзма-сўз таржима қилинганда “ўғриларга нафрат юзасидан”, “ўғриларга қарши”) ўз ашёларини талаб қилиши учун мулкдорларга катта қулайликлар бериш мақсадида ўғирлик натижасижа қўлга киритилганни қайтариш учун кондикциявий даъволарга ҳам йўл қўйилган. Гарчи кондикциявий даъво ўғирлик фактини, яъни деликтни эътироф этса-да, *condictio ex causa furtiva* учун ҳуқуқий асос бўлиб, бойлик орттириш факти (res), яъни ўғри томонидан бошқа шахснинг мол-мулки бўлган ашё ёки пулнинг олиниши ҳисобланган.

Кўрсатиб ўтилган объектив ҳолатда – бир шахснинг иккинчи шахс ҳисобидан бойиши – кондикциявий мажбуриятнинг юқоридаги турларига ўхшаш ҳолати ҳисобланади.

¹³ Шартномадан олдинги келишув. Бунда тарафларнинг муайян ҳаракатни амалга ошириш юзасидан ахдлашувлари мавжуд, бу ахдлашув бўйича улардан бири қандайдир ҳаракатни амалга ошириши керак, бироқ ҳали шартномавий келишув мавжуд эмас.



Condictio ex causa furtiva (ёки оддий қилиб айтганда *condictio furtiva*) ўғри кимнинг ҳисобидан бойлик орттирган бўлса, ўша шахсга, яъни ашёнинг мулкдорига берилган (айнан шу жиҳати билан *condictio furtiva* ҳар қандай манфаатдор шахсга, масалан, умрбод фойдаланувчи, омонат сақловчи ва шу қабилаарга бериладиган ўғирликдан келиб чиқувчи деликт даъвоси – *actio furti* фарқ қилган).

Мазкур даъво бўйича жавобгар фақат ўғри бўлган, ўғрининг шериклари ва ёрдамчилари *condictio furtiva* бўйича эмас, деликт даъвоси (*actio furti*) бўйича жавоб беришган.

Condictio furtiva предмети бўлиб, биринчи навбатда ўғирланган қайтариш ҳисобланган, бироқ ўзганинг мол-мулкни қўлга киритиш жиноий усулда бўлганлиги сабабли ўғри ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш учун ҳам жавобгар бўлган, яъни ўғриликлдан келиб чиқувчи кондикцияда ашё нобуд бўлганда унинг қийматини талаб қилиш ҳуқуқи ҳам мавжуд бўлган. Бунда ўғри ашёнинг ўғриланиши ва ундан олдинги ҳолати оралиғидаги энг юқори баҳосини тўлаши лозим бўлган, бундан ташқари, *condictio furtiva*да ашёдан олинадиган ҳосил ҳам қайтарилиши лозим бўлган. Бунда нафақат ўғри олган ҳосил балки, ашёдан олиниши мумкин бўлган ҳосил ва даромад ўғри томонидан тўланиши лозим бўлган.

Асоссиз орттирилган бойликни қайтариш тўғрисидаги даъвони қўллашнинг бошқа ҳолатлар (*condictiones sine causa*). Рим ҳуқуқи бўйича кондикциявий даъвонинг юқорида қайд этилган турларидан ташқари ҳуқуқий манбаларда асоссиз орттирилган бойликни қайтаришнинг умумий даъволари ҳам мавжудлиги қайд этилган¹⁴. Масалан, бошқа шахсга тегишли мол-мулкни қўлга киритган шахс шу шахсга тегишли бўлган ашёни истеъмол қилиши натижасида йўқ қилиб юборса ёки уни нобуд қилса, мулкдор виндикация қилиш имкониятини йўқотади. Чунки виндикацион даъво қўзғатилишининг энг зарурий шарт мулкдор ашёсининг натура ҳолида сақланиши ҳисобланади. Бундй ҳолатларда мулкдор виндикациянинг ўрнига кондикциявий даъводан фойланиш имкониятига эга бўлади.

*Conditiones sine causa*нинг тури сифатида пул маблағи ёки ашё қонуний асосларда қўлга киритилгани ҳолда кейинчалик бундай асоснинг рад этилиши (*causa finita*) ни кўрсатиш мумкин: масалан, мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун закатат берилиб, мажбурият бажарилганидан кейин ҳам закатлатнинг кредитор қўлида қолиши, гарчи закататни бериш асос тугаган бўлса ҳам; *condictiones sine causa* бундай ҳолатларда закататни қайтариб олиш учун берилган; яна бир мисол *condictiones sine causa* қарз қопланишига қарамасдан кредиторда қолган қарздорнинг тилхатини қайтариш учун ҳам берилган.

Мусулмон ҳуқуқида асоссиз бойлик орттириш муносабатлари зарар етказиш билан бир хилда кўрилган ва етказилган зарар учун муайян товон пулини ундиришга асосланган. Албатта виндикация қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатларда мусулмон ҳуқуқида мулкдорнинг нобуд бўлган ашёсининг қиймати баробарида ёки ундан кўпроқ миқдорда товон ундириш орқали шахснинг даъвоси қопланган. Гарчи мусулмон ҳуқуқида даъво турлари ва уларнинг номланиши хусусида муайян фарқлар

¹⁴ Новицкий И.Б. Основы римского гражданского права. Учебник для вузов. Лекции. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2000. – 216 с.



мавжуд бўлмаса, даъво ҳар доим шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини қоплашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” – Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги.-Т.: ТМИ, 2004.-33 б.
2. Авесто : “Видевдот” китоби (М.Исҳоқов таржимаси).-Т.:ТДШИ, 2007.-25 б.
3. Бобоқулов С.Б. Ижара муносабатларининг тарихий ривожланиш босқичлари ва бозор иқтисодиёти шароитида ижара шартномаси констируктицияларини табақалаштириш муаммолари.-Тошкент: ТДЮИ, -7 б.
4. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” – Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги.-Т.: ТМИ, 2004.- 32 б.
5. Ўша жойда. -115 б.
6. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” – Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги.-Т.: ТМИ, 2004.- 32 б.
7. Шартномадан олдинги келишув. Бунда тарафларнинг муайян ҳаракатни амалга ошириш юзасидан аҳдлашувлари мавжуд, бу аҳдлашув бўйича улардан бири қандайдир ҳаракатни амалга ошириши керак, бироқ ҳали шартномавий келишув мавжуд эмас.
8. Новицкий И.Б. Основы римского гражданского права. Учебник для вузов. Лекции. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2000. – 216 с.